



« 30 » декабр 2016 й.

Наманган шаҳри 477 -сонли

**Вилоят ҳокимининг 2016 йил 10 декабрдаги 451-сонли қарорини  
бекор қилиб, қонунга мувофиқлаштириш ҳақида**

Вилоят прокуратураси ва вилоят адлия бошқармаси томонидан вилоят ҳокимининг 2016 йил 10 декабрдаги “Вилоятда йўловчи ташиш бўйича ягона тарифлар ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 451-сонли қарори қонунийлиги ўрганилганда, Адлия вазирлигида 01.02.2013 йилда 2420-сон билан рўйхатдан ўтган “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тўғрисида”ги Йўриқномага кўра умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида ҳуқуқий нормаларни белгилашга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжат норматив-тусдаги қарор ҳисобланиши, ушбу қарор вилоят адлия бошқармасида ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмасдан қабул қилинганлиги сабабли, мазкур қарорни бекор қилиш ҳақида протест ва тақдимнома киритилган.

Юқоридагиларга кўра ва “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда) 6, 25-моддаларига асосан,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Вилоят прокуратурасининг 2016 йил 24 декабрдаги протести қаноатлантирилсин ва вилоят адлия бошқармасининг тақдимномаси маълумот учун қабул қилинсин.

2. Вилоят ҳокимининг 2016 йил 10 декабрдаги 451-сонли қарори бекор қилиниб, қонунга мувофиқлаштирилсин.

3. Ушбу қарор лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг Интерактив давлат хизматлари ягона порталига муҳокама қилиш ва тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш учун жойлаштирилсин ҳамда вилоят адлия бошқармасида ҳуқуқий экспертизадан ўтказилган ҳолда қабул қилиниши таъминлансин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари Т. Дадабаев зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Х. Бозаров